

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

2-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

# FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

**Муассис:** Фаргона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.

ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашиёт бўлимида тайёрланди.

## Таҳририят ҳайъати

**Бош муҳаррир  
Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

## Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АҲМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

**Муҳаррир:**

Ташматова Т.

Жўрабоева Г.

**Мусахҳиҳлар:**

Шералиева Ж.

Мамаджонова М.

**Таҳририят манзили:**

150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60

Сайт: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)

Босишига руҳсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фаргона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фаргона,  
2021.

**М.Ражабова**

Навоий ижодида қушлар ва ҳайвонлар образининг халқона асосларда ифодаланиши ..... 74

**Н.Шарафиддинова**

Поэтик синтаксис тушунчасининг белгиланиши ва предмети ..... 79  
**ТИЛШУНОСЛИК**

**М.Абдуллаттоев**

Полисиндетон – полифункционал синтактик фигура ..... 87

**М.Турдибеков**

Конибодом тумани макро ва микро топонимлари ..... 92

**М.Усманова**

“Кўхна дунё” асарида қўлланган арабий ва форсий изофанинг лингвистик хусусиятлари ..... 96

**М.Иброхимова, Т.Алимов**

Лингвокреатив медиамайдонда тилнинг экологик соғлигини сақлаш ..... 99

**М.Мадаминова**

Мурожаат шаклларининг прагматик хосланиши ..... 104

**С.Ҳабибуллаева**

Исажон Султон ҳикояларида маънодош ҳамда зид маъноли сўзларнинг лексик-семантик хусусияти ..... 111

**А.Уралов**

Асимметрик дуализм ва функционал транспозиция ..... 115

---

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Р.Сафарова**

Ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш параметрлари ..... 120

**Э.Мирзажонова**

Шахснинг когнитив ривожланишининг эрта ташхиси ва ўзаро боғлиқлиги таълим самарадорлиги омили сифатида ..... 124

**М.Туйчиева**

Ўқув фани материалларини ўқишлилик даражасини оширадиган таълим методлари ..... 129

---

ИЛМИЙ АХБОРОТ**М.Рахимов, Х.Муйдинов, А.Комилжонов**

Четдан келтирилган қорамол ғунажинларини парваришлашнинг жадал технологияси ..... 134

**Р.Пирназаров**

Қурбонқўл қулама тўғонининг фильтрацион кўрсаткичларини ҳисоблаш ..... 137

**Б.Холматова**

Учинчи ренессанс даврида маънавий ишлаб чиқаришни юксалтириш эҳтиёжи ..... 140

**Н.Собиров, С.Исройлова**

Хўжанддаги биринчи дунё урушининг Австрия-Венгрия кучларининг излари ..... 144

**М.Болтабоев**

Совет ҳокимияти ўрнатилган йилларда вақф мулкларининг аҳволи ..... 147

**Д.Абдуллаев**

Музей жамланмасида давлат мукофотларининг ўрни ва аҳамияти ..... 150

**Н.Исройлов**

“Шарқ кутубхонаси” асарида Амир Темур томонидан Хурсоннинг забт этилиши масаласини ўрганилиши ..... 154

**А.Мусаев**

XVII аср бошларида Фарғона водийсидаги сиёсий кураш ..... 159

**С.Ҳамрақулов**

“Фарғона” газетасида хорижий мамлакатлардаги воқеаларнинг ёритилиши ..... 163

УДК: 7.034

**УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ДАВРИДА МАЪНЯВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЮКСАЛТИРИШ  
ЭҲТИЁЖИ**

**НЕОБХОДИМОСТЬ УВЕЛЕЧЕНИЯ ДУХОВНОГО ПРОИЗВОДСТВА В ЭПОХУ  
ТРЕТЬЕГО ВОЗРОЖДЕНИЯ**

**THE NEED TO INCREASE SPIRITUAL PRODUCTION DURING THE THIRD  
RENAISSANCE**

**Холматова Башоратхон Толиповна<sup>1</sup>**

**Холматова Башоратхон Толиповна**

— ФарДУ Фуқаролик жамияти кафедраси доценти,  
фалсафа фанлари номзоди

**Аннотация**

Мақолада Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичи - учинчи Ренессанс даврида ёшлар тарбияси, маънавий-маърифий ишлар тизимини модернизациялаш эҳтиёжи, маънавий юксалиш жараёнининг юкори босқичга олиб чиқиш зарурати, унинг ҳукуқий асослари, маънавий юксалишни таъминлашда маънавий ишлаб чиқариш субъектларининг ўрни таҳлил қилинган.

**Аннотация**

В статье анализируется воспитание молодежи, необходимость модернизации системы духовно-воспитательной работы, необходимость выведения процесса духовного роста на более высокий уровень, его правовые основы, роль духовного производства в новом этапе развития Узбекистана – в эпоху Третьего Возрождения.

**Annotation**

The article analyzes the education of young people, the need to modernize the system of spiritual and educational work, the need to bring the process of spiritual growth to a higher level, its legal foundations, the role of spiritual production in the new stage of development of Uzbekistan - in the era of the Third Renaissance.

**Таянч сўз ва иборалар:** глобаллашув, маънавият, ёшлар, ёшлар тарбияси, Учинчи Ренессанс, маънавий-маърифий ишлар, маънавий тикланиш, маънавий юксалиш, маънавий ишлаб чиқариш, оила, маҳалла, таълим муассасаси.

**Ключевые слова и выражения:** глобализация, духовность, молодежь, воспитание молодежи, Третье Возрождение, духовно-просветительская работа, духовное возрождение, духовный подъем, духовное производство, семья, махалля, учебное заведение.

**Keywords and expressions:** globalization, spirituality, youth, education of youth, the Third Renaissance, spiritual and educational work, spiritual revival, spiritual uplift, spiritual production, family, makhalla, educational institution.

Мустақиллик туфайли маънавият муаммоларига катта эътибор берилиши унинг моҳияти ва мазмунини атрофлича илмий таҳлил этиш заруриятини келтириб чиқаради. Шу сабабдан кўплаб адабиётларда маънавиятнинг табиати ва моҳияти ҳақидаги ниҳоятда ранг-баранг қарашлар кенг ўрин олди. Айниқса, Учинчи Ренессанс даврига қадам қўйган халқимиз ҳаётида маънавий юксалиш масаласи кун тартибидаги энг асосий муаммога айланди. Зоро, глобал дунёда миллый юксалиш миллый хавфсизликни таъминловчи бош омилдир.

Бугун жонажон Ўзбекистонимиз “Миллый тикланишдан – миллый юксалиш сари” деган устувор ғоя асосида ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда [1,166]. Бу олижаноб мақсаднинг рӯёби эса ёшларимиз маънавий маданиятининг қанчалик юксак даражада шаклланганлигига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёев ёшлар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш зарурлиги ҳақида шундай ёзади: “Албатта, биз мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, мустақил ҳаётий позицияга эга бўлган ёшларни тарбиялаш бўйича катта ишларни амалга ошироқдамиз. Аммо холисона тан олиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда бутун дунёда аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун қандай кескин кураш бораётганини, диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, “оммавий маданият” каби таҳдидлар кучаяётганини ҳисобга оладиган бўлсак, фарзандларимиз тарбияси, маънавий-маърифий соҳадаги ишларимизни бир зум сусайтирмасдан, аксинча, уларни янги босқичга кўтаришимиз зарур” [2,17].

Бугун дунё тараққиёти шу даражага етдики, энди мағкуравий кураш, маънавий

салоҳият етакчи ўринга чиқди. Энди қурол-яроқлар эмас, балки «фикрга қарши фақат фикр, ғояга қарши фақат ғоя» билан курашиб олға бориш мумкин. Кимнинг мағкураси, миллий ғояси кучли бўлса, ўша енгиг чиқади.

Ёш авлодни юксак маданиятли ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш миллий тараққиётнинг муҳим талаби, таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган исплоҳотларнинг бош вазифасидир.

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида юксак маданиятли инсонни тарбиялаш, қонунчиликка амал қиласидиган, фуқаролик бурчини адо этадиган, фуқаролик жамияти талабларига риоя қиласидиган, ҳар қандай келишмовчилик ва ихтилофларни оқилона ҳал қила оладиган, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган цивилизацияли баркамол шахсни шакллантириш вазифаси турибди [3,242]. Шу жиҳатдан келиб чиқкан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшларни маънавий-аҳлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш ишларининг сифатини ҳамда педагог кадрларнинг ижтимоий мавқеини янада оширишга қаратилган тарихий қарор қабул қилинди [4].

Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.Мирзиёев 2018 йилнинг 13 август куни “Ёшларни маънавий-аҳлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади [5].

Миллий ва глобал маънавиятнинг ўзаро диалоги миллий маънавиятнинг трансформациясига олиб келади. Прогрессив ўзгаришлар ва янги замонавий талаблар асосида янги ижтимоий-маънавий идеаллар ва мўлжаллар пайдо бўлади. Кўриниб турибдики, маънавиятнинг юксалиб бориши, маънавий янгиланиш маънавий эҳтиёжларнинг ўсиб боришидан келиб чиқувчи қонуний жараён ҳисобланади. “Маънавият юксалишининг хусусиятларини ҳисобга олиб, унинг қуйидаги қонунларини ажратиб кўрсатиш мумкин: жамият тараққиёти жараёнида соғлом ижтимоий-маънавий эҳтиёжлар муттасил ўсиб бориш қонуни; маънавият ривожланишининг умумтамаддуний (цивилизацион) тараққиёт даражасига боғлиқлиги қонуни; маънавий ривожланишнинг ижтимоий онг ва ижтимоий муносабатлар ривожланиш даражаси билан ўзаро боғлиқлиги қонуни” [6,121]. Айтиш мумкинки, маънавий янгиланиш жамият ҳамда инсон тараққиётининг объектив эҳтиёжларига боғлиқ экан.

Мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантириш, ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона кўрсаткичлар ишлаб чиқиши, ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индекси жорий этилди. Зоро, президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганлариdek, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган дастурий ғоя асосида, ёшларни она юрга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, аҳлоқий фазилатларни шакллантириш – ўта шарафли вазифадир [1,35].

Юқоридаги вазифалар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ҳамда худди шу куни қабул қилинган ПҚ-5039-сон “Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди. Мазкур қарорларга биноан Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмаси “Ижод” жамоат фонди негизида маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси ташкил этилди. Жамғармага “Ўзлуксиз маънавий тарбия концепцияси” асосида мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус ва олий таълим босқичлари учун методик қўлланма, услубий тавсиялар, маънавий-аҳлоқий тарбия назарияси ва методикасини бойитишга қаратилган илмий-амалий адабиётлар яратиш, миллий меросимиз, буюк аждодларимизнинг жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссаларини дунё миқиёсида тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошиш, ва китобхонликни ҳар томонлама ривожлантириш, фаол ижодкорларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш вазифаси юкланди. Буларнинг барчаси Учинчи Ренессанс даврида маънавий ишлаб чиқариш жараёнини тубдан такомиллаштириш энг муҳим ҳаётий эҳтиёжга айланганини тасдиқлайди.

Маънавий ишлаб чиқаришда ҳам ўзига хос меҳнат предмети, меҳнат жараёни, меҳнат маҳсулоти каби унсурлар мавжуд бўлиб, улар инсон фаолиятини муайян мақсадга йўналтиради. Маънавий ишлаб чиқаришда меҳнат предмети ҳамма вақт табиат ҳодисалари ва буюмлари бўла олмаслигини ҳам қайд этиш керак. Кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар, инсоннинг фикрлаш жараёни каби мавҳум мураккаб ҳолатлар ҳам бу ишлаб чиқаришда меҳнат предмети тарзини бажариши мумкин. Шунингдек,

маънавий ишлаб чиқаришдаги меҳнат жараёнининг ўзи, табиийки, моддий ишлаб чиқаришнидан тубдан фарқ қилади. Ишлаб чиқаришда ақлий меҳнатнинг зарурлиги ўз-ўзидан, бироқ маънавий ишлаб чиқаришда ақлий меҳнат устиворлик қилади. Бинобарин, бу ерда ақлий жараённинг ўрни бутунлай бошқача моҳият касб этади.

Илмий адабиётларда таъкидланганидек, маънавий ишлаб чиқаришнинг ижтимоий аҳамияти нафақат охори тўкилмаган, оригинал қадриятларни, бошқача айтганда, бирламчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришда кўзга ташланади, шу билан бирга бу нарса яратилган бундай маҳсулотларни – асарларни ижро этиш, “қайтадан яратиш” каби иккиламчи ҳодисалар тизими билан ҳам боғлиқдир. Иккиламчи қадриятлар бирламчилар асосида юзага чиқади. Бироқ фақат ижодий “қайта яратиб”, “ўқиб”, “идрок этиб”, ҳаммуалиф бўлиб уларни жамиятнинг маънавий бойлигига кўшиш мумкин. Иккиламчи деб атападиган ишлаб чиқаришнинг ўзига хос томони унинг ижодий эканлиги билан асарларни маънавият маҳсулотларини талқин этиш, интерпретация қилиш жараёнлари билан боғлиқ эканлигидадир. Шу маънода масалан, мусиканинг ижрочиси, нотиқнинг маҳорати, актёрганинг санъатини шартли равишда иккиламчи жараён деса бўлади. Ҳар бир ижрочи маънавий маҳсулотни оммага етказиша ўзининг шахсий талқини, дунёкараши, идрок имкониятларига, жуда бўлмаса, ифодавий оҳангига суюнади. Демак, маънавий қадриятларни ишлаб чиқариш билан уларни қайта яратиш ўртасида ўтиб бўлмас чегара мавжуд эмас. Масалан, хонанда оммага бастакор ёки шоирнинг асарини шунчаки етказмайди, балки уни ўзига хос тарзда талқин қилиб, шу асосда истеъмолчига етказди. Ижрочилик санъати деган тушунчанинг илмий таомилга киритилганини боиси ана шунда.

Бироқ маданий қадриятларни ишлаб чиқаришдаги бу ҳолатлар ўз-ўзича рўй берадиган механик жараён эмас, уни рўёбга чиқаришда муайян ижтимоий ташкилотлар бевосита иштирок этади. Умумий тарзда бўлса-да, ана шундай ташкилотлар тизими билан танишиб ўтайлик.

Биринчидан, булар маънавий ишлаб чиқаришни ташкил қиладиган ижодий уюшмалар, нашриётлар, киностудиялар, илмий-тадқиқот муассасалари, ҳаваскорлик бирлашмалари, ҳалқ ижодий жамоалари.

Иккинчидан, маданиятни тарқатадиган тузилмалар: ҳалқ ижодий жамоалари, концерт заллари, кинотеатрлар, гастрол уюшмалари, маънавий ва маърифий марказлар, мактаб,

кутубхона, музейлар, диний идоралар ва ҳ.к. булар айни вақтда қадриятларни ишлаб чиқарадилар ҳамда омма орасига тарқатадилар.

Учинчидан, маданий фаолиятни ташкил қилишда, ривожлантиришда, дастур тузишда, баҳолашда иштирок этадиган фаолият субъектлари, масалан, илмий танқид, бадиий танқидчилик ва бошқалар.

Маънавий ишлаб чиқариш жараёнининг энг муҳим субъектлари оила, маҳалла ва таълим муассасаларидир.

Таълим-тарбия, энг аввало, оиласдан бошланиши барчамизга яхши маълум. Бола оиласдан уйини, боғча ва мактабда эса ватанини танийди. Шунинг учун биз оиласдаги таълим-тарбия ҳақида ўта жиддий бош қотиришимиз лозим.

“Оила – муқаддас” деган азалий ва эзгу ғоя қадрсизланиб, минг йиллик миллый қадриятларимиз завол топар экан, бу каби оғрикли ҳолатларни камайтириб бўлмайди. Бунинг учун маҳалла катта ижтимоий куч сифатида майдонга чиқиши керак. Чунки фаоллар, кўпни кўрган оқсоқоллар, тажрибали нуронийларимиз, агар истаса, жамоатчилик билан биргалиқда ҳар қандай муаммони ҳал қилишга, хато қилган ёшларни тўғри йўлга солишга қодир”, – дейди президентимиз Шавкат Мирзиёев [7].

Бола хулқидаги оғишлар оиласдаги носоғлом муҳит, ота-онанинг тарбияда йўл кўйган хатолари, ўқитувчи фаолиятидаги камчиликлар асосида вужудга келади. Қайта тарбиялаш жараённада салбий хулқ ҳосил қилган сабаб-шароит ўзгартирилади, қайта тарбиялашда мактаб, оила, ота-онанинг ҳамкорлиги лозим бўлади. Демак, қайта тарбиялаш ўқувчининг ўзигагина эмас, балки унинг ота-онасига ҳам қаратилиши лозим [8,55-56].

“Қарс икки қўлдан чиқади”, деганларидек, ўқитувчилар ва ота-оналар ўртасида фаол мулоқот, самимий руҳдаги муносабатларни ўрнатишимиш керак. Ота-оналар мактаб ўқитувчини қўллаб-қувватлаши ва фарзанд тарбиясида устозлар билан яқин ҳамкорликда фаолият юритишлари лозим [1,157].

Маънавий ишлаб чиқаришнинг энг олий маҳсулоти, яъни натижаси миллый ғоядир. Жаҳон тарихида ҳар бир ҳалқнинг аввало маънавий бирлашуви, миллый ғояси билан юксалганини кўриш мумкин. Бугун янги ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган Ўзбекистонда ҳам миллий ғоя масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлайдики, “Миллый ғояни фарзандларимиз онгига айнан болалик

давридан, боғчадан ва мактабдан бошлишимиз зарур. Бунинг учун тарихни, аждодларимиз меросини, дунё тажрибасини, турли халқларнинг ютуқ ва камчиликларини атрофлича ўрганиш керак [1,149].

Сўнгги йилларда бу борада қатор қарорлар қабул қилинди. Республика маънавият ва маърифат кенгаши раиси президент экани белгилаб кўйилди. Кенгашнинг ҳудудий бўлимларига масъуллик ҳокимлар зиммасига юклатилди. Бу ўзгариш маънавий-маърифий ишларни давлат сиёсатида янада юксак ўринга кўтарди.

Шавкат Мирзиёев 2021 йилнинг 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизими니 тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йигилишида айтиб ўтдики, “агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамоилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият [9].

Албатта, миллий ғоянинг моҳиятини тўлиқ англаб етмаган, эски мафкуруни тасаввур қилиб, бунга юзаки қарайдиганлар ҳам йўқ эмас. Шу боис президентимиз Ш.Мирзиёев: “Биз яратяётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган”[10], – дея мамлакат мафкурасининг асосий ғоясини таъкидлаб ўтди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, жамиятнинг миллий-маънавий тараққиёт жараёни биринчидан, халқимиз, миллатимиз яратган маънавий-ахлоқий қадриятларни, меросни ўзлаштиришга;

иккинчидан, шахснинг инсоний фазилатларини намоён этишга, жамиядан инсонпарварликни мустаҳкамлашда учрайди. Шу тариқа маънавий тараққиёт жараёнининг ўзи маънавий-ахлоқий фазилатлар, инсонпарварлик тарзида намоён бўлади. Бу эса уни, яъни миллий-маънавий тараққиёт жараёнини умуминсоний қадриятлар билан ўйғуналишишга олиб келади.

### Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Т.: Ўзбекистон, 2020.
2. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Ижтимоий фалсафа. (Маърузалар матни). – Қўқон, 2010. .
4. <https://kun.uz/> Президент янги қарорни имзолади. Ёшлар бўйича янги комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди
5. <https://lex.uz/docs/> Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида. // ПҚ-3907-сонли қарор. 14.08.2018.
6. Эркаев А. Маънавиятнинг уч қонуни. Биринчи мақола. // Тафаккур – Т., 2017. № 2.
7. <https://kun.uz/news/2020/02/12/> Президент йиғилиши: Ўзбекистонда Маҳалла ва оила масалалари вазирлиги ташкил этилади
8. Ҳасанбоев Ж., Сарибоев Ҳ., Ниёзов Г. в.б. Педагогика. – Т.: Фан, 2006.
9. <https://president.uz/uz/lists/> Шавкат Мирзиёев: Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир
10. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/01/19/> Президент мамлакат мафкурасининг асосий ғояси нималардан иборатлигини маълум қилди.

(Тақризчи: М.Маматов – фалсафа фанлари доктори).